Ўқув фанининг мазмуни: “Туманни режалаштириш асослари ва худудий жойлаштириш” фани ишчи ўқув режаси бўйича 1-курсда кузги семестрда ўқитилади. Шаҳарсозлик бўйича илмий лойиҳавий ишлар тизими ва унда туманни режалаштиришнинг ўрни. Мамлакатимиз ва чет элларда туманни режалаштиришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, туманни режалаштиришниннг бошқа лойиҳавий ва режалаштириш ишлар билан боғлиқлиги ўрганилади.

Назарий дарсда берилган билимлар семинар (амалий) машғулотларда лойихавий иш бажариш орқали мустахкамланади.

**Ўқув машғулотида таълим технологияси бўйича ўқитиш режасининг**
**тузилиши ва мазмунининг таркиби**

“Туманни режалаштириш асослари ва худудий жойлаштириш”
фанидан маъруза машғулотлари

**Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

Мавзу **1- Туманни режалаштириш асослари ва худудий жойлаштириш маъруза қисмига кириш**

| | |
|---|---|
| Вақт: 2 соат | Талабалар сони: 5-6 |
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Маъруза - ахборот |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1. Фаннинг дорлзарблиги, мақсади, илмий аҳамияти<br>2. Якунлаш<br>3. Бахолаш |
| Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга фанни мақсади ва илмий-лойиҳавий ишлар тизими, худудни тархий таҳлил этиш. | |
| Педагогик вазифалар: Туманни режалашда атроф муҳитни сақлаш ва инженерлик масалаларини ҳал этиш асосларини ўргатишдан иборатдир. | Ўқув фаолияти натижалари: Талабалар фаннинг мақсади ва амалий ахамиятини билиб олишади. |
| Таълим усуллари | Маъруза, тушунтириш. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий, фронтал. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, дискга ёзилган кўргазма материаллар |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари Ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1 Фаннинг, мавзунинг номлари, мақсади ва кутилаётган натижалар.<br>1.2 Рейтинг – назорат тизими: жорий, оралиқ ва якуний бахолаш мезонлари билан таништиради. ( Илова 1)<br>1.3 Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, адабиёт рўйхатини айтади. ( Илова 2) | 1.1.Тинглайдилар<br>1.2. Ёзиб оладилар<br>1.3. Ёзиб оладилар, савол берадилар. |
| 2- Босқич Асосий (55 дақ.) | 2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини проектор орқали экранга туширади.( Илова 3)<br>2.2 Кўргазмали материаллар, схема орқали матн тушунтирилади. | 2.1. Ўқийдилар, тинглайдилар<br>2.2. Асосий тушунчаларни, чизмаларни дафтарга кўчириб оладилар. |
| 3- Босқич Якуний (10 дақ.) | 3.1. Мавзу бўйича якун ясайди.<br>3.2.Ўтилган мавзуни саволлар орқали такрорлайди (Илова 4)<br>3.3 Мустақил иш учун топширик беради (Илова 5) | 3.1.Савол берадилар<br>3.2. Жавоб берадилар<br>3.3. Ёзиб оладилар. |

## *1-мавзуга иловалар:*

*Илова – 1*

## Рейтинг назорати тартиби

| **1-оралиқ назорат** | **2-оралиқ назорат** | **Якуний назорат** |
|---|---|---|
| Max 40,0 б | Max 30,0 б | Max 30,0 б |
| 86-100% - 34,4-40,0 (аъло) | 86-100% - 25,8-30,0 (аъло) | 86-100% - 25,8-30,0 (аъло) |
| 71-85% - 28,4-34,0 (яхши) | 71-85% - 21,3-25,5 (яхши) | 71-85% - 21,3-25,5 (яхши) |
| 55-70% - 22,0-28,0 (қониқарли) | 55-70% - 16,5-21,0 (қониқарли) | 55-70% - 16,5-21,0 (қониқарли) |
| 0-54% -0-21,6 (қониқарсиз) | 0-54% -0-16,2 (қониқарсиз) | 0-54% -0-16,2 (қониқарсиз) |
| 10+10+10+10=40 | 10+10+10 =30 | 10+10+10 =30 |

“Туманни режалаштириш асослари” фани магистратурани 1 курс 1 семестр фақатгина маъруза марзида ўтилишини эътиборга олиб, Ўзбекстон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 11.06.2009 йилдаги № 204 тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимларини назорат қилиш ва баҳолашнинг ретинг тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ магистратурани 1-семестрида бу фандан 2 та оралиқ назорат ва якуний назорат ўтказилади.

Биринчи оралиқ назорат оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

Иккинчи оралиқ назорат фаннинг ёзма реферат синови тарзида зтказилади.

Якуний назорат ёзма иш кўринишида ўтказилади. Талаба билимини баҳолашда қуйидаги мезонга риоя қилинади:

### Рейтинг баҳолаш мезонлари:

a) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:
- тасаввурга эга бўлиш;
- билиш, айтиб, бериш;
- моҳиятини тушуниш;
- мустақил мшоҳада юрита олиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- хулоса ва қарор қабул қилиш.

b) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:
- тасаввурга эга бўлиш;
- билиш, айтиб, бериш;
- моҳиятини тушуниш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- мустақил мушохада юрита олиш.

c) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:
- тасаввурга эга бўлиш;
- билиш, айтиб бериш;
- моҳиятини тушуниш.

d) Қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:
- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- билмаслик.

**Талабаларнинг фан бўйича умумий ўзлаштиришни баҳолаш:**

86-100% - 47,0-54,0 б (аъло)
71- 85% - 38,0-46,0 б (яхши)
55- 70% - 30,0-37,0 б (қониқарли)
0- 54% - 0-29,0 б (қониқарсиз)

*Илова – 2*

**Адабиётлар рўйхати.**


1. Каримов И.А «Узбекистан по пути к великому будущему». Т., «Узбекистан», 1998.
2. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)». Учебное пособие для ВУЗов, 2006.
3. ШНК 2.07.01-03
4. Оленьков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
5. Н.В Маслов «Градостроительная экология». «Высшая школа». 2003.
6. Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»
7. В.В Аникеев., В.В Владимиров. «Градостроительные проблемы совершенствования административно-территориального устройства». 2002.
8. httrp//www arhitekto.ru/txt2razv16.shtml
9. httrp//www. Glazychev.ru/books/mir_architectury/glava_8/glava_08-01.htm
10. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”. Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009.
11. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.


*Илова – 3*

***Маърузанинг қисқача матни:***
***Туманни режалаштириш асослари***

Ҳозирги вақтга келиб мамлакатимизда кўп йиллик ривожланиш натижасида мураккаб ва аниқ аҳоли жойлашуви ва шаҳарсозлик масалалари ҳал этиладиган илмий-лойиҳавий ишлар тизими шаклланди.

Агар бу системани пирамида шаклида тассавур этадиган бўлсак, унинг учини микрохудудий бош ва реигонал аҳоли жойлашуви схемалари, ўрта қисмини – мезоҳудудий даражадаги туманни режалаштириш чизмалари ва лойиҳалари,

асосида эса микрохудудий даражадаги шаҳарсозлик ишлари – шаҳар ва аҳоли жолйарини бош режалари, уларнинг қисмлари лойиҳалари ташкил этади.

Туманни режалаштириш худудий лойиҳалаш тури сифатида (XIX) XXI аср бошидаги илмий-техник ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлади.

1924 йилда нефт саноатини қайта тиклаш режалари асосида Апшерон ярим оролида нефт қазиб олиш туманни лойиҳалаш бўйича ишлар амалга оширилади. 1924-25 йилларда бу туманни ва Баку шаҳрининг бош тарҳи проф. А.П. Иваницкий раҳбарлигида туманни режалаштириш бўйича *биринчи лойиҳа* сифатида амалга оширилди.

Туманни режалаштиришнинг (1932-1938 йиллар) бу даврдаги белгилари – режалаштириш ишлари билан худудларнинг қамраб олинганлиги, бу ишларда йирик архитектор, инжнер, иқтисодчилар ва бошқа мутахассисларнинг қатнашуви, бу нарса лойиҳаларнинг юқори сифатини таъминлади, қисқа вақт ичида туманни режалаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

*Иккинчи босқич* – урушдан кейинги (1945-1960 йиллар) – туманни режалаштиришнинг аҳамиятини тан олиш вақти. Туманни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи илмий марказлар сони анча ошди.

60-йиллар охиридан бошлаб, комплек реажалаштириш қўллана бошлади, у хўжаликнинг ҳамма тармоқларини қамраб олди. Комплекс лойиҳалашга ўтиш замонавий, учинчи босқичга ўтилганлигини билдиради. Бу босқич янги шароитлар билан характерланади.

*Илова – 4*

**Саволлар рўйхати**

1. Илмий-лойиҳавий ишлар тизими нима?
2. Туманни режалаштириш қачон пайдо бўлган?
3. Туманни режалаштиришнинг ривожланишидаги босқичлар

*Илова – 5*

***Мустақил иш учун топшириқ.***

Туманни режалаштириш асосларига мавзусига таллуқли янги чиққан адабиётлар билан танишиш.

## **Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

Мавзу 2. **<u>Туманни режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари</u>**

| | |
|---|---|
| Вақт: 2 соат | Талабалар сони: 5-6 |
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Хамкорликдаги ахборот, визуал маъруза |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1. Туманни режалаштириш мақсади ва вазифалари тўғрисида тушунча бериш.<br>2. Туманни режалаштириш тузулмаси ва лойиҳаси.<br>3. Якунлаш, бахолаш. |
| Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларда туманни режлаштиришнинг тархий ва ечимлар тўғрисида тушунча хосил қилиш. | |
| Педагогик вазифалар: | Ўқув фаолияти натижалари: |
| Таълим усуллари | Маъруза, тушунтириш. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий, фронтал. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, дискга ёзилган кўргазма материаллар |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари Ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 4- Босқич Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1.Мавзуни номи, мақсади ва кутилаётган натижалар.<br>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчалар, адабиёт руйхатини айтади. ( Илова 1) | 1.1.Тинглайдилар<br><br>1.2. Ёзиб оладилар |
| 5- Босқич Асосий (55 дақ.) | 2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини проектор орқали экранга туширади.( Илова 2)<br>2.2 Кўргазмали материаллар, схема орқали матн тушунтирилади. | 2.1. Ўқийдилар, тинглайдилар<br><br>2.2. Асосий тушунчаларни, чизмаларни дафтарга кўчириб оладилар. |
| 6- Босқич Якуний (10 дақ.) | 3.1. Мавзу бўйича якун ясайди.<br>3.2.Ўтилган мавзуни саволлар орқали такрорлайди (Илова 3) | 3.1.Савол берадилар<br><br>3.2. Жавоб берадилар |

## *2-мавзуга иловалар:*

*Илова – 1*

***Адабиётлар рўйхати.***

1. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”. Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009.
2. В.В Аникеев., В.В Владимиров. «Градостроительные проблемы совершенствования административно-территориального устройства». 2002.
3. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)». Учебное пособие для ВУЗов, 2006.

*Илова – 2*

### *Маърузанинг қисқача матни*

### Туманни режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Туманни режалаштириш бўйича ишлар чет элларда биринчи жаҳон урушидан кейин бошланди.

Европа мамлакатларидан Чехсловакия, Германия, Франция, Англияда миллий (туманни) режалаштириш бўйича бир қатор ишлар бажарилди.

1929 йили Қўшма Штатларда Нью-Йорк ва унинг таъсир зонасида туманни режалаштириш ишларини амалга ошириш бўйича ассоциация тузилди. Туманни режалаштириш лойиҳасида аҳолини жойлаштириш, саноат объектларини дислокацияси ва аҳоли жойлари ўртасидаги транспорт алоқалари кўриб чиқилган.

*Туманни режалаштириш* – иқтисодий ёки маъмурий туманни комлпекс худудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш ва унинг халқ хўжалиги тармоқларини, шаҳаролар ва қишлоқларни оптимал жойлашувини ҳамда аҳоли меҳнат қилиши ва дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи тарҳий таркибини шакллантиришдан иборатдир.

*Туманни режалаштиришнинг вазифаси* – лойиҳаланаётган туманни худудий-хўжалик тузилишини рационал ҳал этиш; ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш; маданий ёдгорликларни сақлашни таъминловчи архитектура – тарҳий таркибини ва функционал қисмларга бўлишни шакллантириш, бунда табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан эффектив ва комплекс фойдаланиш назарда тутилади.

Туманни режалаштириш лойиҳалаш ишларининг иккита босқичини ўз ичига олади: тузилма ва лойиҳа – биринчи навбат (5 йил), ҳисоб вақтига (20 йил).

*Туманни режалаштириш тузилмаси* – вилоят, ўлка, автоном республикалар учун бажарилади.

*Туманни режалаштириш лойиҳаси* вилоят, ўлкалар қисмлари ҳамда маъмурий бўлаклар учун бажарилади.

Туманни лойиҳалаштириш тузилмаси 20-30 минг $км^2$ дан 200-300 минг $км^2$ гача худудларни қамраб олиб 1 : 100 000 ёки 1 : 500 000 нисбатда бажарилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаси 1 минг $км^2$ дан 20-30 минг $км^2$ гача худудлар учун бажарилади, 1: 25 000 дан 1: 50 000 гача нисбатда бажарилади.

*Илова – 3*

***Саволлар рўйхати :***

1. Чет элларда туманни режалаштириш ишлари қачон бошланган?
2. Туманни режалаштириш лойиҳа ишлари қандай турларга бўлинади?

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу **_3 Шаҳарсозликда туманни режалаштиришнинг ўрни**

| Вақт: 4 соат | Талабалар сони: 5-6 |
|---|---|
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Маъруза |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1.Регионал аҳоли жойлашуви тўғрисида маълумот<br>2.Шаҳар агломерацияларининг шакллануви, турлари ва ривожланиши.<br>3.Якунлаш. |
| Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларда туманни режалаштириш ва объектлари тузилмалари ва лойиҳалар мазумуни билан таншитириш. | |
| Педагогик вазифалар:<br>Туманни ривожлантириш тузилмалари ва лойиҳалар мазмуни, иқтисодий микротуманлар тўғрисида тушунча беради. | Ўқув фаолияти натижалари:<br>Талабалар Туманни ривожлантириш тузилмалари ва лойиҳалар мазмуни, иқтисодий фойдаланишни ўзлаштиришади. |
| Таълим усуллари | Маъруза, тушинтириш. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, дискга ёзилган кўргазма материаллар |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич<br>Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1 Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади в режасини эълон қиладилар.<br>1.2. Машғулотга ажратилган вақт, мунозара қоидалари, таништиради.<br>1.3 Талабаларга берилган мустақил иш мавзуларини беради. | 1.1.Тинглайдилар<br><br>1.2.Мунозара қоидалари билан танишадилар.<br><br>1.3.Ёзиб оладилар |
| 2 - Босқич<br>Асосий (130 дақ.) | 2.1. Талабаларни маъруза матнини ёритиб беришини диққат билан кузатади.<br><br>2.2 Маъруза матнини жамоа бўлиб мухокама қилишни ташкил қилади. Оппонентларга ўз фикрларини билдиришга, саволлар беришга таклиф этади. | 2.1.Маърузачилар матн билан таништиради.<br><br>2.2.Оппонентлар ўз фикрларини айтадилар.<br>Мунозараларда иштирок этадилар.<br>Жамоавий равишда мухокама қиладилар. |
| 3 - Босқич<br>Якуний (15 дақ.) | 3.1.Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди.<br>Фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.<br>Маърузаларни бахолайди. | 3.1.Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. |

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

### Мавзу **<u>4 Туманни режалаштириш тамойиллари</u>**

<table>
<tr><td>Вақт: 4 соат</td><td colspan="2">Талабалар сони: 5-6</td></tr>
<tr><td>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</td><td colspan="2">Визуал маъруза</td></tr>
<tr><td>Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши</td><td colspan="2">1. Туманни режалаштириш асослари хақида тушунча.<br>2. Туманни реажалаштиришни шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.<br>3. Туманни режалаштиришнинг турлари.<br>4.Туманни режалаштириш ечимларига таъсир этувчи омиллар.<br>5. Регионал жойлашув масалалари.<br>6. Туманни режалаштиришда шаҳарсозлик санъатига таъсири.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга туманни режалаштириш асослари, уларнинг турлари, уларга хос меъморий-режави ва ландшафт ечимлари хақида тушунча бериш, туманни режалаштиришда шаҳарсозлик санъатига таъсирини изоҳлашдан иборат.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Педагогик вазифалар:<br>- Туманни режалаш асосларига таъсир қилувчи омилларни изоҳлаш;<br>Туманни режалаштиришнинг турлари хақида тушунча бериш;<br>-Туманни режалаштириш ечимларига таъсир этувчи омилларни тушунтириш;<br>-Режалаштириш масалаларини изоҳлаш;<br>-Туманни режалаштирининг технологик жойлашуви ва ўзаро боғлиқлигини тушунтириш;<br>-Туманни режалаштиришда шаҳарсозлик санъатига таъсири ёритиб бериш.</td><td>Ўқув фаолияти натижалари: Талаба:<br>- Туманни режалаштириш асосларининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганади;<br><br>- Туманни режалаштириш турларини тушунтириб беради;<br><br>-Туманни режалаштириш ечимларига таъсир этувчи омилларни изоҳлайди;<br><br>- Режалаштириш масалаларини ёритиб бера олади;<br><br>-Туманни режалаштиришнинг технологик жойлашуви ва ўзаро боғлиқлигини изоҳлайди;<br><br>-Туманни режалаштиришда шаҳарсозлик санъатининг ривожига таъсирини тушуниб олади.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим усуллари</td><td>Визуал маъруза, тақдимот техникаси, ақлий хужум, график органайзерлар: кластер.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим шакли</td><td>Фронтал, гуруҳ ва жамоада ишлаш</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим воситалари</td><td>Маъруза матни, кўргазма материаллар</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш шароити</td><td>Техник воситалар билан жихозланган аудитория</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мониторинг ва баҳолаш</td><td>Оғзаки назорат: савол-жавоб ёки ёзма назорат, тест олиш.</td></tr>
</table>

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич<br>Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1 Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади в режасини эълон қиладилар.<br>1.2. Талабаларга маъруза машғулотини визуал шаклда ўтишини эслатиб, жуфтликда ишлашни таклиф этади.<br>1.3 “Ақлий хужум” методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга жавоб 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади: *Туманни режалаштириш ҳақида нималарни биласиз? Улар қандай мақсадларда лойиҳаланган?* Жавобларни эшитади ва баҳолайди. | 1.1.Ёзиб оладилар ва тинглайдилар.<br>1.2.Кўчириб олади, ўйлайди.<br>1.3.Ўйлайди, мухокама қилади ва саволга жавоб беради. |
| 2- Босқич<br>Асосий (130 дақ.) | 2.1. Экранда туманни режалаштириш асосларини шаклланишига таъсир қилувчи омилларни намойиш қилади (1 -илова). Уларни изоҳлайди.<br>2.2 Талабаларга *Тошкен вилояти ёки туғилиб ўсган жойингиздаги туманни режалаштириш асослари хақида нималар биласиз?* деб мурожаат қилади. Шундан сўнг туманни режалаштиришнинг таърифини келтиради, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқни тушунтиради<br>2.3.Экрандаги визуал материаллардан фойдаланиб туманни режалаштиришда композицион ечимлар хақида кенгроқ тушунча беради.<br>2.4.Туманни режалаштириш схемаси хақида тушунча беради.<br>2.5.Туманни режалаштириш лойиҳасини шаҳарсозлик санъатидаги таъсири тушунтиради. | 2.1.Тинглайди, ёзади.<br>2.2.Берилган саволларга жавоб беради.<br>2.3. Тинглайди, ёзади.<br>2.4.Берилган саволларга жавоб беради<br>2.5.Тинглайди, ёзади. |

| | | |
|---|---|---|
| 3- Босқич Якуний (15 дақ.) | 3.1.Мавзуни умумлаштиради ва умумий хулосалар ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади<br>3.2.Мустақил ишлашлари учун назорат саволларига жавоб тайёрлаб келиш вазифасини беради. | 3.1.Тинглайдилар.<br><br>3.2. Вазифани ёзиб оладилар. |

## *4-мавзуга иловалар:*

*Илова – 1*




Ҳудудни комплекс баҳолаш:
А-туманни режалаштириш тузилмасида, Б-туманни режалаштириш лойиҳасида



Пахтачилик ҳудудида агро-
саноат бирлашмасининг
принципиал чизмаси

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

### Мавзу _**5. Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш**

| | |
|---|---|
| Вақт: 2 соат | Талабалар сони: 5-6 |
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Муаммоли маъруза , биргаликда ўқитиш усули ва Б/Б/Б жадвали, график органайзерлардан фойдаланиш. |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1. Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш ҳақида тушунча.<br>2. Антропоген омилларга нималар киради? .<br>3. Якунлаш. |
| Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш хақида аниқ билимлар бериш ва лойиҳалаш жараёнида қўллашни ўргатиш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>-Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш хақида тушунча бериш;<br>- Худудни антропоген шаклланишига таъсир қилувчи омилларни изоҳлаш;<br>- Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш турларини тушунтириш;<br>-Режавий-композицион ечимларга таъсир этирувчи омилларни ёритиб бериш;<br>- Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш шаҳарсозлик санъатига таъсирини тушунтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари: Талаба:*<br>- Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш хақида тушунчаларга эга бўлади;<br><br>- Худудни антропоген шаклланишига таъсир қилувчи омиллар хақида маълумот олади;<br><br>- Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш турларини тушуниб олади;<br><br>- Режавий-композицион ечимларга таъсир этувчи омилларни билиб олади;<br><br>- Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш шаҳарсозлик санъатига таъсирини билиб олади. |
| Таълим усуллари | Ахборот маърузаси, инсерт, блиц-сўров, тақдимот, график органайзер техникалари, аниқ ҳолатларни ечиш, Б.Б.Б. |
| Таълим шакли | Фронтал маъруза индивидуал, гуруҳ билан ишлаш. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, проектор, қоғоз, маркер, КТ/ОТВ, доска, бўр. |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория. |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич<br>Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади. | 1.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. |
| 2- Босқич<br>Асосий (55 дақ.) | 2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларага қаратади<br><br>2.2.Қуйидаги муаммоли саволларни ўртага ташлайди ва уларни биргаликда ўқишга чорлайди:<br>*1.Антропоген омилларга нималар киради?*<br>*2. Интеграл баҳолаш қандай амалга оширилади?*<br>*3.Комплекс баҳолаш нима?*<br>(1- илова).<br>2.3.Муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги саволларга аниқлик киритади:<br>-*Худуднинг демографик сиғими нима?*<br>-*Худуднинг демографик сиғими қайси омиллар бўйича аниқланади?*<br>-*Сув ресурслари бўйича ҲДС қандай аниқланади?* деган саволларга жавоб беради. (2-илова) | 2.1. Ўқийдилар, тинглайдилар<br><br>2.2.Муаммоларга эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар.<br><br>2.3.Муаммо юзасидан ўз ечимларини таклиф қиладилар.Мунозара қиладилар. Жавоб берадилар. |
| 3- Босқич<br>Якуний (10 дақ.) | 3.1. Мавзуга хулоса ясайди.<br>3.2.Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради<br>3.3 Мустақил иш ва мавзу бўйича семинарга тайёргарлик кўриш учун: “Хом ашёни ишлаб чиқишда инсоннинг табиатдаги роли” мавзусида эссе ёзишни топширади (3 –илова) | 3.1.Савол берадилар.<br>3.2. Эшитадилар, жавобларини тўғрилайдилар.<br><br>3.3. Ёзиб оладилар. |

## *5-мавзу бўйича иловалар:*

*Илова – 1*

## Муаммоли саволларга қисқача жавоблар:

1. *Худудни антропоген омиллар бўйича баҳолаш* ҳам асосий хўжалик юритиш фаолияти асосида амалга оширилади:

Саноат ва гражданин қурилиши учун – худудни транспорт хизмати билан таъминланганлиги, санитар-гигиеник шарт-шароитлар бўйича, табиатни муҳофаза қилиш шароитлари, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказларигача бўлган масофа, архитектура-ландшафт шарт-шароитлари бўйича;

Қишлоқ хўжалиги учун – транспорт хизмати билан таъминланганлик; табиатни муҳофаза қилиш шароитлари; аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказларигача бўлган масофа;

Ўрмон хўжалиги учун – худудни тарнспорт билан таъминланганлиги; табиатни муҳофаза қилиш шароитлари бўйича;

Оммавий дам олиш учун – архитектура-ландшафт шароитлари бўйича; табиатни муҳофаза қилиш шароитлари, худудни транспорт билан таъминланганлиги, асосий шаҳарларгача бўлган масофа бўйича.

2. Худуднинг асосий хўжалик юритиш фаолияти бўйича қўшимча баҳолаш табиий ва антропоген омиллар бўйича баҳолаш чизмаларини бирлаштириш ҳамда ҳамма омиллар бўйича худудни интеграл баҳолаш орқали олинади.

Интеграл баҳолаш баллар, эксперт ёки қиймати бўйича амалга оширилиши мумкин.

Баллар бўйича баҳоланганда худуднинг у ёки бу хўжалик юритиш фаолияти учун қулайлиги рангларга ажратилган балларни қўйиш орқали баллар бўйича амалга оширилади.

Эсперт йўли бўйича баҳолашда (камида 20 та эсперт бўлиши керак) у ёки бу хўжалик фаолияти учун шарт-шароитлар умумий комплексидаги омилларни рагларга уларнинг муҳимлик даражаси бўйича ажратилиб, алоҳида омиллар бўйича баҳоланади.

Қиймат бўйича баҳолаш конкрет шароитларда у ёки бу хўжалик юритиш фаолияти ҳар бир омил бўйича худудий ўзлаштиришдаги қийматнинг нисбий ошишини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бунинг учун 1 га худудни ўзлаштиришга кетадиган харажатлар норматив даражага нисбатан аниқланади.

3. Худудни комплекс баҳолаш деганда туманни барча худуднинг турли бўлакларини асосий хўжалик юритиш фаолияти турларини жойлаштиришга комплекс табиий ва антропоген омиллар бўйича солиштирма баҳолаш орқали қулайлиги аниқлаш тушунилади. Комплекс баҳолаш орқали худудни хўжалик ўзлаштириш ва қурилиш учун резерв майдонлари анқланади.

## Муаммоли саволларга қисқача жавоблар:

1. Худуднинг *демографик сиғими* деб, туманнинг шундай максимал аҳолиси сонига айтиладики, уларни унинг чегарасида экологик муовозанатни сақланган ҳолда энг муҳим кундалик ресурслар билан таъминланган ҳолда жойлаштириш мумкин бўлади.

Худуднинг демографик сиғими (ХДС) у ёки бу тумунни ўта кетган саноат ривожланишидан сақлайдиган ўзига хос чегарадир. У ўзгарувчан кўрсаткич, шунинг учун уни регион, туман миқёсидаги тадбирларни ҳисобга олиб ҳисоблаш керак.

2. Худуднинг демографик сиғими аҳолининг кундалик ҳаётига энг зарур табиий компонентларни таҳлил қилиш асосида аниқланади:

- Ер усти ва ер ости сувлари ресурслари;
- Саноат ва граждан қурилишига яроқли худудлар;
- Шаҳар чқинидаги қишлоқ хўжалик базасини ташкил этишга яроқли қишлоқхўжалик ерлари;
- Аҳолининг оммавий дам олишига қулай худудлар.

3. ХДС худудуни комплекс баҳолаш натижаларига кўра туман халқ хўжалик комлекси ва аҳолисининг юқорида кўрсатилган ресурсларга бўлган талабании норматив эҳтиёжларга солиштириш орқали аниқланади. Аввал сув худудлар, рекрацион ресурслар ва шаҳаролди қишлоқ хўжалиги базаси бўйича туманнинг ХДСлар аниқланиб, сўнг умумий ХДС аниқланади.

*Сув ресурслари бўйича ХДС қуйидагича аниқланади:*

$$Д1 = Д2 + Д3$$ бу ерда,

Д2 – ер усти сув ресурслари бўйича ХДС;

Д3 – ер ости сув ресурслари бўйича ХДС

$$Д_2 = \frac{P_1 \text{ x } К\text{x } 100}{P}$$ бу ерда:

Pi- і сув тармоғидаги туманга кираверишдаги сув сарфи;

Р – 1000 та одамга норматив эҳтиёж, 1000 – 1000 $м^3$/сут

К – оқава сувлари суюлтириш кераклигини ҳисобга олувчи коэффицент.

$$Д_3 = \frac{Эi \text{ x } Тi\text{x } 1000}{Ро}$$ бунда:

Эі – і майдоннинг ер ости оқимининг эксплуатацион модули, $м^3$/сут.га

Ті - худуднинг і-майдони, га

Ро – 1000 та одамни сув билан таъминлашнинг махсус нормативи - 40 $м^3$/сут.

*Илова – 3*

### ***Мустақил иш учун топшириқ.***

“Хом ашёни ишлаб чиқишда инсоннинг табиатдаги роли” мавзусида реферат ёзиш.

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу **<u>6_Худудни тархий ташкил этиш ва функционал қисмларга бўлиш</u>**

| | |
|---|---|
| Вақт: 4 соат | Талабалар сони: 5-6 |
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Маъруза - ахборот |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1.Худудни тахий ташкил этиш.<br>2. Тархий таркиб турларининг элементлари.<br>3.Туманни режалашдани функционал қисмлар<br>4. Функционал қисмларнинг турлари<br>5. Якунлаш. |
| Ўқув машғулоти мақсади:<br>Тархий таркибни ишлаб чиқиш вазифалари ва функционал қисмларга бўлишнинг мақсадалари тўғрисида билим бериш. | |
| Педагогик вазифалар:<br>-Худудни тархий ташкил этиш элеменлари хақида тушунча бериш;<br>- Туманни режалаштириш объекти тархий таркибини изоҳлаш;<br>- Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги вазифаларни тушунтириш;<br>-Худудни функционал қисмларга бўлишдаги мақсад ва вазифаларини ёритиб бериш; | Ўқув фаолияти натижалари: Талаба<br>- Худудни тархий ташкил этиш элементлари хақида тушунчаларга эга бўлади;<br>-Туманни режалаштириш объекти тархий таркиби хақида маълумот олади;<br>- Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги вазифаларни тушуниб олади;<br>- Худудни функционал қисмларга бўлишдаги мақсад ва вазифаларини билиб олади; |
| Таълим усуллари | Маъруза, тушинтириш. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, дискга ёзилган кўргазма материаллар |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич<br>Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1.Мавзуни номи, мақсади ва кутилаётган натижалар. | 1.1.Тинглайдилар |
| 2- Босқич<br>Асосий (130 дақ.) | 2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини проектор орқали экранга туширади.( Илова 1)<br>2.2 Кўргазмали материаллар, схема орқали матн тушунтирилади. | 2.1. Ўқийдилар, тинглайдилар<br><br>2.2. Жадвал ва чизмаларни дафтарга кўчириб оладилар. |
| 3- Босқич<br>Якуний (15 дақ.) | 3.1. Мавзу бўйича якун ясайди.<br><br>3.2.Ўтилган мавзуни саволлар орқали такрорлайди (Илова 2)<br><br>3.3 Мустақил иш учун топшириқ беради (Илова 3) | 3.1.Савол берадилар<br><br>3.2. Жавоб берадилар<br><br>3.3. Ёзиб оладилар. |

## *6-мавзуга иловалар:*

*Илова – 1*

### *Маърузанинг қисқартирилган матни.*

### Худудни тахий ташкил этиш ва функционал қисмларга бўлиш

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг худудий-фазовий муаммоларни ечишдаги асосий вазифаси бўлиб, худудни тархий ташкил этиш – тархий таркибни шакллантириш ва уни функционал қисмларга бўлиш хизмат қилади.

Мураккаб системаларнинг ишлаши тўғрисидани замонавий системавий тасаввурларга кўра туманни режалаштиришжа худуднинг тархий таркибий тур хил халқ хўжалиги объектлари ва табиий ландшафт энг муҳим элементларининг уларни ўзлаштириш босқичларидаги ўзаро боғлиқ ва бир вақтда хизмат қиладиган модели деб баҳолаш мумкин.

Тархий таркибда доимо *уч хил турдаги элементларни*: тугунлар, алоқалар ва қисмларни кўрсатиш мумкин. Туманни режалаштириш объекти тархий таркибнинг асосий элементлари қуйидаги турлардан бирига қарайди:

*Нуқталик (тархий марказлар)* – компакт шакл ва кичик худудий ўлчамларга эга бўлган мавжуд ва янги шаҳарлар, йирик саноат ва энергетика комплекслари, транспорт тугунлари;

*Чизиқли (тархий ўқлар)* – равшан ифодаланган чизиқли шаклга эга бўлган транспорт магистраллари, нефт ва газ қувурлари, дарё водийлари ва бошқалар;

*Қисмли (тархий қисмлар)* – табиий ва хўжалик хусусиятлари, кучли ифодаланган худудлар: тоғ массислари, мелиорация қисмлари, юқори урбанизацияли қисмлар;

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида худуднинг тархий таркибини ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни ечишни ўз ичига олади:

- Объектнинг мавжуд тархий таркибини ўрганиш ва асосий табиий ва халқ хўжалиги элементларини ажратиш;
- Лойиҳаланаётган худудни ўзгартиришнинг бош тенденцияларини аниқлаш ва уларни қўйилган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан баҳолаш;
- Келажак тархий таркиб тузулмасини унинг асосий элементларини ажратган ҳолда кўриш.

Туманни режалаштиришда *худудни функционал қисмларга бўлиш* деб объектни махсус усулда моделлаштиришга айтилади.

Функционал қисмларга бўлишнинг *асосий мақсадлари* туманни режалаштиришнинг шундай конкрет вазифаларни ечишга қаратилганки, буларга лойиҳаланаётган худуднинг алоҳида қисмларидан фойдаланишнинг оптимал режимини таъминлаш, қимматли табиий ресурсларни

сақлаш ва қайта тиклаш кабилар киради. Бу мақсадларга етиш учун қуйидалгиларни амалга ошириш керак:

- Берилган объект худудида лозим бўлган функционал қисмларнинг сони ва номенклатурасини аниқлаш;
- Бу қисмларни худуднинг конкрет майдонларига боғлаш ва унинг келажак функционал қисмларга бўлиш чизмасини тузиш;
- Ҳар бир функционал доирасида худуддан фойдаланиш режимини оптималлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Туманни режалаштириш тузилмаларини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги функционал қисмлар турларини ажратиш тавсия этилади.

- Интенсив хўжалик юритиш ва шаҳарсозлик бўйича ўзлаштириш ҳамда максимал йўл қўйиладиган даражада муҳитни сунъий ўзгартириш;
- Экстенсив шаҳарсозлик бўйича ўзлаштириш ва атроф – муҳитга нисбатан катта бўлмаган антропоген таъсир кўрсатиш;
- Чекланган хўжалик ўзгартириш ва атроф муҳитни максимал сақлаш.

Керак бўлган ҳолларда асосий қисмлардан ташқари, урбанизация, қишлоқ, ўрмон ёки балиқ хўжалигини ривожлантириш, рекреацион инфраструктурани ривожлантириш, қўриқланадиган ландшафтлар каби кичик қисмларга ажратилиши мумкин.

*Илова – 2*

## *Саволлар рўйхати:*

1.Тархий таркиб нима?
2. Функционал қисмларга ажратиш нима?
3. Тархий таркибнинг элементлари.
4. Тархий таркибни ишлаб чиқиш вазифалари.
5. Функционал қисмларга бўлишнинг мақсад ва вазифалари.
6. Туманни режалаштириш тузилмаларида ажратиладиган функционал қисмлар.

*Илова – 3*

## Мустақил иш учун топшириқ.

1. Маъмурий-хўжалик аҳамияти мавзусида мустақил ишни бажариш.

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу **7. <u>Туманни режалаштиришда саноатни объектларини жойлашиши ва ўзаро боғланиши.</u>**

| | |
|---|---|
| Вақт: 4 соат | Талабалар сони: 5-6 |
| Ўқув машғулотининг шакли ва тури | Маъруза - ахборот |
| Маъруза режаси, ўқув машғулотининг тузилиши | 1. Машғулот мавзусига кириш.<br>2. Маъруза матни билан таништириш.<br>3. Асосий масалаларни аниқлаш.<br>3. Якунлаш, бахолаш. |
| Ўқув машғулоти мақсади: Туманни режалаштиришда саноатнинг объектларинии жойлашиши ва ўзаро боғланиши тўғрисида тушунча бериш. | |
| Педагогик вазифалар:<br>-Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда саноатнинг ривожаланиши хақида тушунча бериш;<br>- Технопарклар ва технополисларни изоҳлаш;<br>- Саноат турларига қараб саноат қисмларининг жойлашувини тушунтириш; | Ўқув фаолияти натижалари: *Талаба:*<br>- Саноатнинг ривожланиши хақида тушунчаларга эга бўлади;<br>- Технопарклар ва технополислар хақида маълумот олади;<br>- Саноат турлари, саноат қисмларининг жойлашувини тушуниб олади; |
| Таълим усуллари | Маъруза, тушинтириш. |
| Таълим шакли | Оммавий, жамоавий. |
| Таълим воситалари | Маъруза матни, дискга ёзилган кўргазма материаллар |
| Таълим бериш шароити | Техник воситалар билан жихозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Оғзаки сўров |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1- Босқич Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.) | 1.1.Мавзуни номи, мақсади ва кутилаётган натижалар. | 1.1.Тинглайдилар |
| 2 - Босқич Асосий (130 дақ.) | 2.1. Мавзу бўйича маъруза матни тушинтиради. ( Илова 1)<br>2.2 Кўргазмали материаллар, схема орқали матн тушунтирилади. | 2.1. Ўқийдилар, тинглайдилар<br>2.2. Жадвал ва чизмаларни дафтарга кўчириб оладилар. |
| 3 - Босқич Якуний (15 дақ.) | 3.1. Мавзу бўйича якун ясайди.<br>3.2.Ўтилган мавзуни саволлар орқали такрорлайди (Илова 2)<br>3.3 Мустақил иш учун топшириқ беради (Илова 3) | 3.1.Савол берадилар<br>3.2. Жавоб берадилар<br>3.3. Ёзиб оладилар |

## *7- мавзу бўйича иловалар*:

*Илова – 1*

### *Маърузани қисқартирилган матни.*

*Саноат ишлаб чиқариши* энг катта туман ва шаҳар ташкилий потенциалига эга бўлиб, кўп жиҳатдан шаҳар жойлари тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура ривожланиши жадаллиги нисбатларини белгилайди.

Саноат объектларини хом ашё, ёқилғи, энергия манбаларига, истъемол туманларига яқинлаштириш – лойиҳалашнинг етакчи тамойилларидандир. Санитар-гигиеник талаблар шамол ва намлик режими сув оқими ва рельеф ва бошқа омиллар таъсири ҳисобга олиниши лозим. Меҳнат ресурсларининг борлиги ва малакаси ҳам мухим омиллардан биридир.

